

Аҳмад Донишнинг тарих фалсафаси

Рустам ЖУМАЕВ,

Бухоро давлат университети ўқитувчиси

XIX аср иккинчи ярмида Ўрта Осиё тарих фалсафасини салмоқли ривожлантирган, тарихнавислик соҳасида ўзига хос илмий мактаб яратган қомусий олимлардан бири Аҳмад ибн Носир ибн Юсуф ал-Ҳанафий ас-Сиддиқий ал-Бухорий – Аҳмад Донишдир.

Аҳмад Дониш ўз даврининг етук мутафаккир жамиятшуноси, файласуфи ва тарихчиси, дипломати сифатида ўзини намоён этган ва Бухоро амирлигида табиий ва аниқ фанлардаги юксак салоҳияти туфайли “Муҳандис¹” номини олган, илму адаб оламида “Дониш²” таҳаллуси билан шуҳрат қозонган, “Маҳдум³” ва “Ўроқ⁴” мартабаларига кўтарилган. Шунингдек, у “Ҳафт қалам”⁵ номига эга бўлган Бухоро хаттотлик мактаби вакилларида биридир. Олимнинг замондоши Садри Зиё ўзининг “Наводири Зиёия” (“Садри Зиёнинг нодир манбалари”) асарида Донишни мусаввирликда Беҳзоду Монийга, фалакиёт илмида Улуғбек Кўрагонийга, хаттотликда Мир Алига, мусиқада Зухраи фалакка, жадвалкашликда Мир Шафёро Сонийга, табобатда Ибн Синога, саҳоватда Ҳотам Тойга, шоирликда Саъдий Шерозийга, насрда Хусайн Кошифийга ўхшатади⁶.

Манғит амирлари даврининг буюк муаррихларидан бири Аҳмад Дониш Шарқ тарих фалсафасида алоҳида мавқега эга. У йирик сиёсий арбоб сифатида ҳам жамиятни бошқариш, мамлакатни модернизация қилиш ҳамда фуқаролик жамиятини қарор топтириш, амирликнинг иқтисодиёти, маданияти, ички ва ташқи сиёсати, қолаверса ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларида муносиб ҳисса қўшиш борасида етарли тажрибага эга бўлган. Чунончи, Ўрта Осиё тарихи, шиа ва суннийларнинг ўзаро курашлари ҳамда унинг сабаблари, шунингдек, ўзбек уруғларининг ҳаёти ва тарихига оид маълумотлар, сайёралар ҳаракати тўғрисида тўплаган ахборотларини тарихий-фалсафий таҳлил этди. Аҳмад Дониш инсоният тарихи, унинг шаклланиш омиллари ва босқичлари, инсон ва жамият, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни тадқиқ этиш борасида ўзининг ноёб қобилиятини намоён этган ва бу борада қатор илмий-назарий ютуқларни ҳам қўлга киритган. Аҳмад Дониш тарихга ўзининг маънавий-руҳий кечинмалари асосида муносабат билдиради, яъни, унинг тарихий қарашлари тарих фалсафасининг идеалистик оқими сифатида намоён бўлади.

У эски расмий тарихшунослик одатларидан воз кечиб, янги сиёсий қарашлар билан кўркмасдан чиққан эди ва ўз даври ижтимоий фикрида илғор йўналишга асос яратган шахсиятдир. Аҳмад Дониш мутаассибликка қарши равишда маърифатлилик

¹ Муҳандис – хандаса (геометрия)ни яхши билувчи бинокор мутахассис.

² Дониш – Аҳмад ибн Носирнинг адабий таҳаллуси, билимдон.

³ Маҳдум – Пир ва устозларга бериладиган лақаб.

⁴ Ўроқ – Бухоро амирлигида XIX-XX асрларда илоҳиёт илмида эришган ютуқлари учун бериладиган учта (ўроқ, судур, садр) унвоннинг энг юқориси ҳисобланган бўлиб, шу унвонга эришган шахснинг исмига қўшиб айтиш одат бўлган.

⁵ Ҳафт қалам – етти хил асосий ёзув турини мукамал ўзлаштирган хаттот.

⁶ Садри Зиё. Наводири Зиёия. “Адиб”, Душанбе, 1991. 47-бет.

ғоясини илгари сурди. Мутафаккир фалсафасида жамиятни бошқаришда сиёсий элита ва етакчилар, миллий профессионал мутахассис раҳбар кадрларни тайёрлаш ва танлаш тизимини такомиллаштириш, бошқарув муаммолари масаласини анча чуқур тадқиқ этади. Мутафаккир сиёсий элита ва етакчиларни тўғри танланганлиги бу мамлакатнинг иқтисодий юксалишига олиб келади ҳамда жамиятнинг истиқболини белгилайди, - деган хулосага келади. Аҳмад Дониш “Наводирул вақое” асарида “амалдорлар ва ҳокимлар инсофлик бўлишлари лозим. Агарда булар золим бўлсалар, раҳбарлари одил бўлса ҳам, юрт хароб бўлиб, қишлоқ халқи жондан тўйиб вайронагарчиликка учрайди. Раҳбар буларни била туриб сукут қилган бўлса, у ҳақда ўзи ҳам золимларга қўшилган бўлади,”¹- деб ёзади. Бошқа бир жойда “давлат раҳбари давлатнинг муҳим ишларини ишончли, тажрибали кишиларга топширсин. Ишончсиз, алдамчи кишилардан сақлансин. Чунки лавозимдаги одамлар ҳар ишда ишончли бўлмасалар, давлат сирлари яхши сақланмайди. Раҳбарга яқин кишилар ёмон бўлсалар ва раҳбар уларнинг сўзларини эътиборга олса, бундай одамлар турли ғаразлар билан кишиларни раҳбарга ёмонлаб, уларни ҳалок қилишдан тортинмайдилар”². Бунга тарихдан мисоллар келтиради. Хиёнаткор сарой аёнлари ҳамда баъзи бир ҳарбий бошлиқлар амир Насрулло даврида Бухоро қўшини ва артилерияси бошлиғи Шохруҳ Мирзога нисбатан бир неча маротаба фитна уюштиришади. Уларнинг фитнаси амир Насрулло даврида амалга ошмади. Чунки амир ноиб Абдулсамадхонни қатл қилдиргандан кейин ўз яқинларининг фитнасидан хабар топади ва қилган ишидан пушаймон бўлади. Аслида олганда ҳам Шохруҳ Мирзо ўз жасоратини кўрсатиб, бир неча маротаба душманларга зарба берганди. Кавказ остонасида 20 мартадан ортиқ руслар билан тўқнашиб, уларни шармандали мағлубиятга учратган эди. Бироқ амир Музаффар даврига келиб, фитначилар ўз мақсадларига эришдилар. Шохруҳ Мирзодан ташқари давлатга фойдаси тегиши мумкин бўлган бошқа шахслар ҳам қатл этиладилар³. Аҳмад Дониш қуйидаги байтни келтиради:

Подшоҳ ходимлари гар бўлса амин,
Унинг давлати кундан-кун ортар.
Гар бўлсалар фитна, хиёнатчи,
Мулк вайрон, иш орқага тортар⁴.

Ўтқир тилли, очик сўзли, чуқур фикрли, ақли комил бўлган кишилар вазирликка лойиқдирлар. Қозилик ва раисликни талаб қилувчилар ақлли, фаросатли бўлишлари билан фатво ва даъво илмларида олий маълумотга эга бўлишлари лозимдир. Мана шундай одамларга бўлган бу хислатлар уларга касб ва ҳаракат ўрнига ўтади. Балки умрини бекорга ўтказмай, халққа фойда етқизарлик бирор бир касб, бирор хунар билан шуғуллансин⁵. Яна шунга алоҳида эътибор бериш керакки, Аҳмад Дониш жамиятнинг барча ижтимоий гуруҳлари каби давлат раҳбари

1 Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое. Тошкент: “Фан”, 1964, 47-бет.

2 Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое. Тошкент: “Фан”, 1964, 71-бет.

3 Дониш Аҳмад. История Мангитской династии. (Перевод, предисловие и примечания Н.А.Наджафовой). –Д.: Дониш, 1967. С. 66-68.

4 Аҳмад Дониш. Наводирул вақое. (Нодир воқеалар). И.М.Мўминов таҳрири остида. Т.: Фан, 1964 . Б. 71.

5 Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое. Тошкент: “Фан”, 1964, 124-бет.

тарихчиларга ҳам ғамхўрлик қилишни ва уларни кўллаб-қувватлашни эътироф этади. “Давлат бошлиғининг зарур бўлган вазифаларидан бири, деб ёзади Аҳмад Дониш, – адиблар, шоирлар, тарихчиларни тарбия қилиши лозимдир. Чунки подшоҳлардан қоладиган мерос уларнинг яхши номлари бўлиб, у қанчалик кўп бўлса, салтанат хонадонларига шунчалик фойдалидир”¹.

Мутафаккирнинг тарихий фалсафий қарашларида деярли барча каби “оламнинг яратилиши” мавзусини фалсафий таҳлил қилади. Аҳмад Дониш ўзининг “Наводирул вақое” асарининг “Дунё тарихи ва унинг қадимийлиги ҳақида” деб номланган бобида оламнинг яратилиши ва унинг қадимийлиги хусусида фикр юритар экан, қуйидагиларни баён этади: “Дунёнинг қачон яратилганлиги ва ўшандан бери, қанча вақт ўтганлиги ҳақида ҳукамоларнинг ўзаро қарама-қарши фикрлари жуда кўпдир. Булар ичида ҳинд, хитой ва форс ҳукамоларининг фикрлари машҳурроқдир. Ҳиндларнинг айтишича, дунё йилларининг ўтиб туриши тўрт даврга бўлингандир. Ҳар бир даврнинг узунлиги қирқ уч лак (*лак-юз минг*), йигирма минг йил шамсия (*шамсия-қуёш тизими йили*) бўлиб, бу эса тўрт қаринга (*қарин-Олам тарихининг даврлари*) бўлинади. Аввалги қаринни ростжак деб атайдилар; бунинг узунлиги шамсия ҳисоби билан ўн етти лак йигирма минг йилдир. Иккинчи қаринни таратӣё, дейдилар; бунинг муддати эса ўн икки лак, олтмиш минг йилга етади. Учинчи қаринни давомис дейдилар; бу эса саккиз лак, олтмиш минг йил булади. Тўртинчи қарин калжак бўлиб, бунинг муддати тўрт лак, икки минг йилдир. Уларнинг ҳисобларига кура, бир минг икки юз ҳижрия тарихида биз калжак қаринда турамиз. Яна шу йили энг юқоридаги икки юлдуз саври буржида қирон бўлди, яъни қўшилишди. Бу қариндан тўрт минг тўққиз юз саксон тўрт йил ўтиб, ундан тўрт лак, йигирма етти минг, ўн олти йил қолди. Қачонки, калжак қаринининг қолган йиллари ҳам тамом бўлса, юқоридаги тартиб бўйича оламнинг иккинчи давраси бошланади. Уларнинг тахминларича, оламнинг яратилишидан бошлаб шу кунгача бир ирб, тўқсон беш курур; эллик саккиз лак, тўрт минг тўққиз юз саксон тўққиз йил ўтган бўлади (Бир миллиард, тўқсон беш миллион эллик саккиз юз тўрт минг тўққиз юз саксон тўққиз— 1.095584989)². Мазкур асарнинг яратилиши хусусида Аҳмад Дониш қуйидагиларни билдиради: “... замона аҳлининг қилган ишлари, уларнинг ҳаракатлари менга ёқмас эди. Жуда кўнглим олиниб, юрагим торайиб кетганда қайғу-аламларимни чиқариш учун дўстларим ёнига қалам кўтариб бориб, қоғоз юзини қоралаш билан шуғулланар эдим. Бу қоғоз саҳифаларини қора қилишимдан ойдин ва равшан маънолар келиб чиқар эди... Менинг мижозимни билганлар шу ёзилган тарқоқ варақларни, тартибга киритилмаган ҳикояларни кўриб: “Агарда бу ёзилган нарсалар шундай қолса, шамолга соврилур, ўтга тушиб ёнур, сувга оқиб кетур; шунинг учун ўз ёзганларининг бошқаларнинг сўзларидан ажратиб, бир тўплам қилиб китоб ҳолига киритгин, сендан шу қолади, дўстларинг учун эсдалик бўлади, йўғлигингда бор бўлиб, ўлганингда тириласан» дедилар. Ёзганларимни дўстларнинг хоотири деб тарқоқ ҳолдан китобга айланттирдим. Бу китобга «Наводирул вақое» деб ном бердим...”³.

¹ Аҳмад Дониш. Наводирул вақое. (Нодир воқеалар). И.М.Мўминов таҳрири остида. Т.: Фан, 1964 . Б. 59.

² А.Дониш. “Наводир-ул-вақоеъ”. Тошкент. “Фан”, 1964 . 91-92-бетлар.

³ Аҳмад Дониш. Наводирул вақое. (Нодир воқеалар). И.М.Мўминов таҳрири остида. Т.: Фан, 1964 . Б. 34-35.

Аҳмад Дониш ўз мамлакатининг сиёсий ишларига фаол аралашувчи тарихчи сифатида намоён бўлади¹. У ўзининг асарида Бухоронинг манғит амирлари бошқаруви тарихига кескин ва шавфқатсиз ҳажв беради. Аҳмад Донишни бошқа тарихчилардан, ўзининг замондошларидан, умуман алоҳида ўринга чиқариб қўядиган ҳолат унинг “Рисола”сида қилган хулосасидир. Бу асарда мавжуд бир қатор муҳим маълумотлар қўпгина тарихий воқеаларни янгитдан очиб беради. Шунингдек, Аҳмад Дониш ҳам ўзининг тарихий асарининг тарбиявий моҳиятига катта эътибор беради.

Аҳмад Донишнинг тарих фалсафаси, миллий тафаккур тарзи жамиятдаги ижтимоий қатлам ўртасидаги ўзаро тафовутлар, сарой ва оддий халқнинг ўзаро муносабатлари ҳамда мутафаккирнинг маънавий-ахлоқий мезонлари натижасида вужудга келган. Шунингдек, мутафаккирнинг тарихнависликка қизиқиши бевосита ёшлигидан вужудга келган ва уни қуйидаги фикрларидан ҳам англаб етишимиз шубҳасиздир. “... қаерда тарихчиларнинг мажлиси бўлса, ўша ерга кириб, ўтмишдаги пайғамбарларнинг аҳволлари, подшоҳларнинг воқеаларини эшитиб ўлтирар эдим. Бу сўзлардан лаззатланиб, уларни қанча эшитсам, яна эшитгим келар эди,²” – деб ёзади Аҳмад Дониш. Унинг асарларида тарихий ҳақиқат, жараёнлар таҳлили, воқеа ва ҳодисаларнинг фалсафий-мантикий жабҳалари билан ажралиб туради. И.Мўминов хулосаларига қўра, Аҳмад Дониш ўзининг ўша вақт тарихий шароитида илғор сиёсий қарашлари назарий, фалсафий фикр-қоидалар орқали асослашга ҳаракат қилди³.

Атоқли сиёсатшунос ва жамиятшунос олим Нарзулла Жўраев ўзининг “Тарих фалсафасининг назарий асослари” китобида “Шарқ тарих фалсафасининг ўзига хослиги шундаки, унда турли даврларда ҳукм сурган подшоҳликлар ва уларнинг сулолалари тарихий давр сифатида қабул қилинади ва ана шу даврда юз берган барча воқеалар, маънавий-ахлоқий мезонлар, маданий ва ижтимоий тараққиёт бевосита ана шу подшоҳликлар ва уларнинг сулолалари юргизган сиёсат асосида ўрганилади”, деб ёзади⁴. Аҳмад Донишнинг тарихий тафаккурига шарқ тарих фалсафасининг одатлари таъсир кўрсатган. У ўзининг “Таржимаи аҳволи амирони Бухоройи шариф аз амир Дониёл то асри амир Абдулаҳад” (“Бухоройи шариф амирларининг таржимаи аҳволи амир Дониёлдан то амир Абдулаҳадгача”) деб номланган асарида Бухорода ҳукм сурган манғит ҳукмдорларининг ҳокимиятга келиши давридан то ўзи яшаган даври тарихини яратди. Мазкур асарда амирликнинг ижтимоий-иқтисодий, маънавий ва сиёсий тарихи ҳақида маълумот беради. Шунингдек, асарда кам тилга олинган манғит ҳукмдорларидан ҳисобланган амир Ҳусайн ҳамда амир Умарнинг бошқарув даврида рўй берган воқеалар ҳақида маълумот келтиради⁵. Аҳмад Дониш умрининг охирларида «Тарих рисоласи» китобини ёзиб, Амир Темур, Ҳусайн Бойқаро, Абдуллаҳон, Субҳонқулиҳон, Шохмурод ва Амир Музаффар

¹ Дониш Аҳмад. История Мангитской династии. (Перевод, предисловие и примечания Н.А.Наджафовой). –Д.: Дониш, 1967. С. 19.

² Аҳмад Дониш. Наводир ул-вақое. (Нодир воқеалар). И.М.Мўминов таҳрири остида. Т.: Фан, 1964 . Б. 337.

³ А.Дониш. “Наводир-ул-вақоеъ”. Тошкент. “Фан”, 1964 . 8-бет.

⁴ Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: “Маънавият”, 2008, 70-бет.

⁵ Дониш Аҳмад. История Мангитской династии. (Перевод, предисловие и примечания Н.А.Наджафовой). –Д.: Дониш, 1967. С. 37-38 // Дониш Аҳмади Махдум. Рисола ё мухтасаре аз таърихи салтанати хонадони манғития. Таҳйи Далер. —Душанбе: Сарват, 1992. 17-18 - бетлар.

салтанати мисолида ҳар бир давлатнинг тараққий ҳамда таназзули сабабларини таҳлил қилиб, илмий асослашга ҳаракат қилади.

И.А.Наджафова хулосаларига кўра, Бухоро хонлиги тарихи бўйича Ўрта Осиёни Россияга қўшиб олинганлигини ўз ичига олган қуйидаги асарлар маълум: “Бухоро манғит амирларининг қисқача тарихи” (Аҳмад Дониш), Мирзо Абдулазим Сомий “Манғит ҳукмдорлари тарихи”, Мирзо Салимбекнинг “Тарихи Салимий” ва бошқалар. Санаб ўтилган асарлар орасида Аҳмад Донишнинг “Бухоро амирлари хонадони тарихи” шак-шубҳасиз энг машҳури ва энг каттаси ҳисобланади. “Бу асар Бухоро амирлари охириги сулоласининг бошқаруви тарихига оид ўткир ҳажвий асар эди”. Қайсики бу асарда муаллиф ушбу сулоланинг таназзули муқаррар эканлиги ҳақидаги хулосага келган. Асарда амир Музаффар (1860-1885) ҳукмронлиги давридаги ва амир Абдулахад (1885-1910) ҳукмронлиги бошидаги воқеаларга яъни, асар муаллифи кўз ўнгида содир бўлган ва унинг ўзи гувоҳ бўлган воқеаларга асосий эътибор берилган. Чоризмнинг Ўрта Осиёга ҳарбий босқини, Жиззах ва Самарқанднинг забт этилишига катта ўрин ажратилган¹. Бошқа маҳаллий тарихчиларда бу ҳақида одатда кам ёзилган. Рисола XIX аср охиридаги қимматбаҳо ва қизиқарли тарихий асар ҳисобланган ҳолда ўз мазмуни бўйича бебаҳодир. Шартли равишда биз уни ҳажм бўйича ҳам, моҳияти бўйича ҳам ҳар хил бўлган икки қисмга бўлишимиз мумкин. Ҳажман кичикроқ бўлган биринчи қисмда муаллиф ёзма манбалар асосида эшитган ва билган воқеалари ҳақида айтиб беради. Унда амир Дониёл ҳукмронлигининг охириги йиллари ва уч амир – Шохмурод, Ҳайдар, Насрулло ҳукмронлиги ҳақида айтиб ўтилади². Асарнинг иккинчи қисмида мутафаккир гувоҳ тарихчи, танқидчи, фаол курашчи сифатида намоён бўлади. Ўзи гувоҳи бўлган воқеаларни кенг ёритиши, ижтимоий муносабатдаги масалаларга, ўша даврнинг ҳаёти ва маданияти масалаларига катта қизиқиш бўлганлиги билан ажралиб туради. Унинг ҳикоялари ўзининг ҳақиқатга яқинлиги ва хулоса чиқаришга, тафаккур қилишга ундаши билан китобхонларни ўзига жалб қилади. Манғит амирлари сулоласи ҳукмронлигининг юз йиллик тарихи тадқиқ ва таҳлил қилинган.

Тарихчи сифатида Аҳмад Дониш нафақат ўзидан олдинги тарихчилардан балки замондошларидан ҳам анча олдинда ўтиб кетган. Ўша даврнинг асосий тарихий асарлари одатда расмий тарихшунослик талаблари асосида ёзилган. Уларда воқеалар давлатдаги иқтисодий-сиёсий аҳволни таҳлил қилмасдан сарой тарихнависларига хос мақтов ва мақбул кўринишда воқеаларни тасвирлаганлар. Баъзида ҳукмдорларнинг зўровонлик, ўзаро душманлик, кичик норозиликларни ҳам қонли бостирганликлари ҳақидаги маълумотлар илмоқли сўзлар ҳамда эҳтиёткорлик билан ёзилган. Холисона ва очик танқид ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Деярли барча юқоридаги тарихий асарлар сарой доирасидан чиққан. Бу хабарлар хонларнинг тўғридан- тўғри кўрсатмаси билан ёки тортиқ учун ёки хон марҳамати ва инъомини қозониш учун қилинарди. Шунинг учун табиийки, хонларга бағишланган бу асарларда ҳукмдорлар қаҳрамон, меҳрибон, бағри кенг, марҳаматли қилиб тасвирланар эди. Дикқат марказида сарой ҳаёти, уруш, бошқа хон, амир ва шохларга бўлган муносабат турган. Баъзан эса зулмдан азият чеккан халқ оммасининг

¹ Дониш Аҳмад. История Мангитской династии. (Перевод, предисловие и примечания Н.А.Наджафовой). –Д.: Дониш, 1967. С. 3-4.

² Ўша манба. 6-бет.

кўзғалонлари «йўлтўсар ва қароқчилар»нинг ҳаракати сифатида тилга олинган. Бу ҳақда атоқли олим Иброҳим Ҳаққул куйидаги фикрга келади: “Дониш умрида таъма илинжида бировни мактаб, бировнинг олдида эгилиб-букилмаган, шахсий фойданигина кўзлаб ҳақгўйлик, танқидбозлик ҳам қилмаган. У ҳар бир сўз ва ҳар бир ишдан ҳақиқат ахтариб яшаган. Унинг сўз ва фикрлари доимо асосли, теран, қиличдек кескир бўлган”¹. Биз буни мутафаккирнинг куйидаги мисраларидан ҳам англаб етишимиз мумкин:

*Кимки айлар подшоҳлар мадҳини,
Бил, аниқ устози шайтондир ани.
Етмайин мансабпарастлик ўрганур,
Мақсадига етса ул – шайтон булур*².

Аҳмад Донишнинг тарих фалсафасини, илмий меросини жаид намояндалари маҳорат билан ўзлаштиришди ва уларни янги давр цивилизацияси нуқтаи назаридан тартибга солиб, янгича илмий-назарий услуб билан ифодалаб берадилар. Аҳмад Дониш яратган буюк мактаб туфайли Бухорода жаидчилик ҳаракати вужудга келди. Буни С.Айний “Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар” асарида куйидагича изоҳлайди: “Бухородаги дастлабки маорифпарварлик ва жаидчилик ғоялари Аҳмад Донишдан бошланган”³. Аҳмад Дониш фуқаролик жамияти, унинг ривожланиш қонуниятлари, раият ва ҳоким муаммолари, давлат ва бошқарув масалалари хусусида гапирар экан, у реал воқелик ва унинг истиқболи ҳамда таназзули сабабларини қидиради.

Аниқроқ қилиб айтганда, Аҳмад Донишнинг “Наводир ул вақое” деб номланган асарида баён этилган бетакрор илмий ғоялар амирликнинг инқирозга юз тутган ҳолатидан олиб чиқишга қаратилган. Бу асар мазмуни жиҳатидан тарих фалсафасининг ўзига хос кўринишидир. Унда амирликни теологик давлат бошқарувидан янги бир демократик сиёсий тизимга олиб чиқиш ва демократиянинг омиллари ва моҳияти дунёвий тафаккур орқали тадқиқ этилади ва қутилмаган хулосалар илмий асосланган ҳолда ўртага ташланади. Бу хулосалар ҳозирга қадар илмий янгилиги, долзарблиги, назарий асосланганлиги, муҳим концептуал аҳамиятга эгалиги ва улкан ижтимоий моҳият касб этганлиги билан алоҳида қадрли.

Аҳмад Дониш тарих фалсафасининг ўзига хослиги шундаки, унда XVIII – XIX асрларда ҳукм сурган манғитлар сулоласи ва шу даврда юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, маънавий-ахлоқий мезонлар, маданий ва ижтимоий тараққиёт бевосита ана шу сулола вакиллари ва давлат юқори ваколатли органлари юргизган сиёсат асосида ўрганилади. Аҳмад Дониш ана шу тартиботдан унумли фойдаланган.

Аҳмад Дониш Бухоро амирлиги сиёсий тарихини жуда чуқур ўрганиш билан бирга, уни турли ривоят ва ҳикматли сўзлар билан бойитиб, кенг китобхонларни ўзига жалб қила олган. Тарихни фалсафий тадқиқ этиш тамойили шуни тақазо этадики, у ҳар қандай илмий тушунчалар, турли манбалар ва тарихий далилларни тўғридан-тўғри қабул қилмайди. Уларнинг ҳар бирига тафаккур орқали ёндашиб,

¹ Иброҳим Ҳаққул. Тақдир ва тафаккур. – Т.: “Шарқ”, 2007, 208-бет.

² Аҳмад Дониш. Наводирул вақое. (Нодир воқеалар). И.М.Мўминов таҳрири остида. Т.: Фан, 1964. Б. 367.

³ Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. – Москва. СССР халқлари Марказий нашриёти. 1926. – Б. 29.

тарих ҳақиқатини тиклаш билан бирга воқеа-ҳодисаларнинг мантикий ривожини орқали тарих моҳиятини, мазмунини ва яхлит фалсафасини вужудга келтиради. Мутафаккир тарихий манбалар устида ишлар экан, у ҳар бир манбага мутлақ ҳақиқат сифатида қарамайди. Аҳмад Дониш тарихий жараён таҳлилига киришар экан, уни фалсафий мушоҳада этади, унда моҳият излайди ва натижада мантикий хулосалар чиқаришга эришади.

Тарих ҳақиқатини тиклаш, тарихий тафаккур ва тарих ҳақидаги маълумотларни эгаллашда Аҳмад Дониш тарих фалсафасида аниқ меъёрларга эга ва бу меъёрлар бевосита ҳар бир воқеликка ҳолис ёндашиб, асосли хулосалар чиқаришни талаб қилади. Олимнинг фалсафасига кўра ҳар қандай тарихий жараён инсон ақл-идрокининг маҳсулидир.

Жумладан, XIX аср ўрталаридаги Хитой-қипчоқларнинг Қўқондаги қўзғалони, Россия ва Европа давлатларининг, Эроннинг ижтимоий-сиёсий тарихи, Бухоро ва унинг атрофларни сув билан таъминлаш, Россияга қилинган сафар таъсуротлари ҳақида қизиқарли маълумотлар ҳамда мутафаккир томонидан тақлиф қилинган мамлакатни иқтисодий ислоҳ қилишнинг кенгайтирилган дастурини келтиради.

Амир Дониёл ҳукмронлигининг охириги йилларида давлат ишларидан четлашиб, бошқарув ҳокимиятини ўғилларига ва вилоятлар ҳокимларига бериб қўйган ва ҳеч ким шариат қонунларининг бажарилишини назорат қилмаган. Бу борада Аҳмад Дониш ўз қатъий баҳосини беради. У амир Дониёл ўғилларининг бузуқликларини очиқдан-очиқ танқид остига олади. У фуқаролар ва меҳнаткашлар зиммасига юклатилган туганмас солиқлар ва қийинчиликларни атрофлича кўрсатиб берган.

Аҳмад Донишнинг тарихий тафаккури энди ислохотлар билан чекланмайди, амир ва амирликни ҳажвий бўёқларда чизиб бериб, ўз китобхонларига энди ҳеч қандай ислохотлар ёрдам бермаслигини кескин таъкидлайди.

Аҳмад Дониш фалсафий тафаккури ўз даври муаррихларидан фарқ қиладиган алоҳида хусусиятларидан бири унга Бухоро амирлигининг кўп асрлик урф-одатлари, шарқ маданияти ҳамда бошқа томондан Рус маданиятининг таъсирини кўрамиз. Шарқ тарихшунослигида ҳали X аср ўрталаридан алоҳида концепция мавжуд. Бу концепция тарихни ўрганишда ахлоқий, тарбиявий моҳиятни ўз ичига олади. Бу ғоя Ибн Мискавайхнинг асарида яққол кўрсатилган. У тарих тажрибаси давлат намояндалари учун қўлланма бўлиб хизмат қилади деб ҳисоблаган. “Сиёсатнома” ва бошқа асарларнинг муаллифлари ҳам ўз олдиларига худди шундай мақсадни қўйишган. Шунингдек, Аҳмад Дониш ҳам ўзининг тарихий асарининг тарбиявий моҳиятига катта эътибор беради. “Манғитлар хонадони ҳукмдорлари тарихидан қисқача рисола”сида сўз бошисида у ёзадики: “Бу амир (амир Шохмурод) давридан тахминан то 1300 йилгача (яъни то 1882-1883 йиллар) дин ва давлат ишларида бўлиб ўтган илғор ва қолюқ ишлар ҳақида қисқача ва лўнда айтиб берамиз.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Аҳмад Донишнинг тарих фалсафасида, **биринчидан**, воқеа ва ҳодисаларни шунчаки баён қилмасдан балки унга нисбатан тарихий ва ҳолислик асосида ўзининг шахсий муносабатини билдиради ва муаммони ечишнинг йўлларини излашга ҳаракат қилади. Реал тарихий жараёнлар таҳлилига эътибор қаратади.

Иккинчидан, ўша давр ҳукмдорларига ва бошқарув раҳбар кадрларининг ҳолати, турмуш тарзига танқидий баҳо бериб қолмай, уларга маънавий ахлоқий жиҳатдан тузалишини таклиф қилади. Буни ўзининг кескин танқидий қарашлари асосида асарларида очиб берди.

Учинчидан, унинг тарихий қарашлари фуқаролик жамиятини шакллантиришга, инсоннинг сиёсий-ҳуқуқий онгини ривожлантиришга, бошқарув тизимини яхшилашга қаратилганлиги билан характерланади.

Аҳмад Дониш ўз мамлакатининг сиёсий ишларига фаол аралашувчи тарихчи сифатида намоён бўлади. У ўзининг асарида Бухоронинг манғит амирлари бошқаруви тарихига кескин ва шавфқатсиз ҳажв беради. Аҳмад Дониш эски расмий тарихшунослик одатларини синдириб янги сиёсий қарашлар билан қўрқмасдан чиққан эди ва ўз даври ижтимоий фикрида яъни илғор йўналишга асос солди.